

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЙМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ

2012 йил «11» 01

22/1004-сон

Чөнгөн р/н
Т(Ш)ЭТК номи

«ЖУНГАР», А.Н.

(туман(шахар) электр таъминоти корхонасининг номи)

асосида фаолият юритувчи раҳбари

Чөнгөн турши. Ж. Сабергенов

(кейинги ўринларда «Корхона»

(туман (шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

деб аталади) бир томондан

асосида фаолият юритувчи

Чөнгөн СТД ва жсбүчес

(истеъмолчининг номи)

раҳбари Ж. Шаубубулаев

(кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),

(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган энергия учун ўз вактида ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 2000 кВт.с. реактив _____ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи

300 000 сўмни, тариф бўйича ташкил этади.

Покуди 109 леенг суюн тариф турли табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсан)

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳак тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (майиши истеъмолчилардан ташкири) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошка воситалари истеъмолчининг маблаглари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб борувчи ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тифиз пайт – сутканинг ёргуф вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича;

тифиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизими нинг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга тугри келади.

Табакалаштирилган тариф кўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация килишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, хар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад килинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилтган энг юкори тариф гурухи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи» ва «Корхона» орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиккан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларни хар ойда ёзib олади ва ушбу шартноманинг 5-илювасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисбот тузади.

«Истеъмолчи» «Корхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг «95» санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташкари тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласи.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда кайта ҳисоблаб чиқилади ва «Корхона» томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат корхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга 100 фоиз, қолган юридик шахсларга 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда

мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. «Корхона» «Истеъмолчи»нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади.

«Корхона» томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон ракамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишини таоминлаштириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми «Истеъмолчи» билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун кўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисбот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртacha суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисбот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаoliyatiни амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласиди.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ЭҲНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидағи күрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметларига мувофиқ, бирок бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буортмаси бўйича ёзib олинади.

«Корхона» «Истеъмолчи»нинг шахсий ҳисоб-ракам ва ҳисобга олиш приборларининг холати ҳакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идораларо электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган¹ энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси кайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол килмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар кайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайннида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчи»ни куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:
шартномавий мажбуриятлари бажарилмагандан;
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлгандан;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;
ҳисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;
электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари куйидаги ҳоларда ахоли учун белгиланган тарифларга tengлаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вактнинг ўзида унда истиқомат қылган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуидаги хуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»нинг электр қурилмаларини «Корхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;
сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган заарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансадбор шахсга) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қуидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;
фойдаланилган энергия учун ўз вактида ҳақ тўлаш;

эксплуатация килаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфисизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, «Корхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
«Ўзэнергоинспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

«Корхона» вакилининг хисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун «Корхона»га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган кувватга уланган «Истеъмолчи», «Корхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалда миқдори;

енергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

енергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

«Истеъмолчи» қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси - сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиши умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самародорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармокларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириши заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» қуйидаги хукукларга эга:

«Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида «Истеъмолчи»ни электр тармоғидан узиб кўйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

«Корхона» қонунчиликка мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»ни электр тармокларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» қуйидагиларга мажбур:

«Истеъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармокларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

«Истеъмолчи»ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вакти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошка бузилишлар тўғрисидаги «Истеъмолчи»нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориши;

«Истеъмолчи»га ўрнатилган тартибида етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

«Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибида киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиши;

«Истеъмолчи»да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошка мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибида жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни коплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарни коплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди;

«Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корханаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган миқдордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай қолган электр энергияи учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»ни қарздорлиги ёки бошка асосли сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 51 xaegeb⁰ гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор килган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирла Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хукукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕММОЛЧИ:

Юридик манзили Жегеъли рои 020 ўзб.ч.А.Пирнизоров № 47

Хисобрақами 100022860352124074410054002

Банк коди (МФО) 000014 STIR (ИНН) 200381954

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялашириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг ҳисобрақами 13 402 000 300 100 00 010

Банк коди (МФО) _____ STIR (ИНН) _____

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами _____

Банк коди (МФО) _____ STIR (ИНН) _____

ҚҚС тўловчининг коди

Телефонлар; 8.361 412-25-11 Факс; — e-mail: (Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр рақами _____

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) _____

DBIBT (СООГУ) _____

MNOBT (СОАТО) _____

(КФС) _____

TSHK (КОПФ) _____

КОРХОНА:

Почта манзили Жегеъли чујдори бўзи

Хисобраками 10636 000 400 314 531 482

Банк коди (МФО) 00868 STIR (ИНН) 200397 204

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: _____ Факс: _____

Статистик кодлар:

DBIBT (СООГУ) _____

MNOBT (СОАТО) _____

Истеъмолчи:



Корхона:

Жегеъли 2018
Ф.И.Ш.

М.ў, имзо, лавозими, Ф.И.Ш.



ЮРИСТКОНСУЛЬТ ҲУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси _____ юристконсульт _____

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонлии қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конунчилик талаблари монийлик килмайди. Шартнома иштирокчиларининг хукук ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисидаги» конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чикиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал килиш тартиби белгиланган.

Юристконсульт: _____
(имзоси)

Электр таъминотининг шартномасига
1- илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми


1. Тариф гурухи _____
2. Фаолият тури _____
3. «Истеъмолчи» электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	2020	2020			
Январь	666	666			
Февраль	666	666			
Март	668	668			
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади 10 соат, ойга 30 кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобида I __, II __, III __



Электр таъминотининг шартномасига

2 - илова

Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

«Истемолчи»нинг (субистемолчининг) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма қопкоғидаги корхона пломбасининг раками	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг шартнома тузилган кунданги кўрсаткичлар и хисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сўм/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучла- ниш			

Имзолар:

Истемолчи:



Корхона:



Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар бир электр энергияси ҳисобга олиши прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тузилади

Ҳисобга олиши прибори давлат рақами _____ ток трансформатори _____ кучланиш
трансформатори _____ жасам кофициент _____ уланган қуввати _____ кВт
Ҳисобга олиши прибори ўрнатилган манзил _____

1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият турни _____ шахар, қфй, мфй, кўча уй рақами
Труба ишил чик, Шлакоблок, Гишиш, Пленка ишил чик, Акфа ҷехи, Насос, Савдо, Кафе, Ошхона, Устахона ва...???

1. «Истеъмолчи»нинг балансида қуидаги электр курилмалар мавжуд:

a) хаво электр тармоғи _____

б) кабель электр тармоғи _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами _____, _____ кВА

2. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича
mansublik chegarasi _____

3. Улардан қуидагиларга:

a) _____

б) _____ хизмат кўрсатиш «Истеъмолчи» ходимлари томонидан,

«Истеъмолчи» билан тузилган «Техник хизмат кўрсатиш» № _____ сана _____ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. «Техник хизмат кўрсатиш» шартномаси тузмаса _____ томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр курилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуидагича белгиланди: _____

Вакиллар:

Истеъмолчи

М. Ў.

Корхона

М. Ў.

(имзо)

(имзо)



Электр таъминотининг шартномасига
4 - илова

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармокларининг баланс бўйича мансубли чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармокларининг баланс бўйича мансублиги чегарасида олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгач бўлган қисми хисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга хисобланади:

a) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергияни йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истебъомчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истебъомчининг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми хисоб давридаги энерг сарфининг ____ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолиша Истебъомчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергистеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан кел чикиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоклари ва уйларнинг ички электр тармокларининг бўлин чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоклардан таъминланадиган майиш истебъомчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш ускуналаригача бўлган эле тармокларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб килиш йўли билан аниқланава уй-жой мулкдорлари ширкатлари истебъомлига каратилади.

Имзолар:



Электр таъминотининг шартномасига
5-илова

**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ**

2022 йил дивар ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана «дивар» 2022 йил.

Уланган жой номи, хисобга олиш приборининг завод раками, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори кўрсатгичлари		Хисобга олиш прибори курсаткичларининг фарки	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансфор-маторининг (ТТ)	кучла-ниш транс-форматорининг (КТ)	уму-мий	бошлан-гич	охирги			Эрталабки тигиз вакт	Кун	Кечки тигиз вақт	Тун		
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами													

Изоҳ: $7_{\text{устун}} = 6_{\text{устун}} - 5_{\text{устун}}$, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками $7_{\text{устун}} = 9_{\text{устун}} + 10_{\text{устун}} + 11_{\text{устун}} + 12_{\text{устун}}$
+гр13 устун; $8_{\text{устун}} = 7_{\text{устун}} * 4_{\text{устун}}$

Истеъмолчи раҳбари

Корхона энергетики

М.Ў.



Ф.И.Ш.имзоси

Ф.И.Ш.имзоси

Г. Саидов Умид

Г. Саидов

Ф. И. Ш. имзоси

Электр таъминотининг шартномасига
6 - илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/п №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори.				

ИЗОҲ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиши
вақтларини тўлдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг хар бир хисобот даври учун иқтисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аникланадиган кувват коэффицентининг оптимал миқдори хисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади.

Хисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий кийматининг амалдаги миқдори истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффицентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади.

Тарифга устама кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффицентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий киймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффицентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги хисобига кувват коэффицентининг норматив киймати Истеммолчи томонидан кўллаб-куватланмаслиги аникланганда, худудий электр тармоклари корхонаси томонидан конун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўколиши кийматининг техникик-иқтисодий хисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеммолчилардан кўшимча маблаглар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва кўшимча маблагни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеммолчи томонидан кувват коэффицентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл кўйилганлиги тўғрисида «Ўзэнергоинспекция»нинг тасдиклови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеммолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия хосил килганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеммол килинганда, агар Истеммолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% миқдорида белгиланади.

Истеммолчи:

Корхона:

(Имзо)

(Имзо)

М.Ў.

М.Ў.



Электр таъминотининг шартномасига
7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг _____ иштироқида тузилди.

Ягона электр энергетикин тизимида узок муддатли ёки қисқа муддатли кувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қўйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*a) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускуннинг бузилиши, портлаши, ёнгин, заҳарланиши ва бошقا баҳтисиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.
б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт
II босқич _____ кВт
III босқич _____ кВт
IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб куйилади.

T/p №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* a) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхтасига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаши ёритгичлари юкланиши остида қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошقا ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:



М. Ў. (Имзо)

Корхона:

М. Ў. (Имзо)



Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: SV57107066

**YURIDIK ÁHMIYETKE IYE HUJJETLERDÍN NÍZAM HUJJETLERINE
MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDA
HUQÍQÍY JUWMAQ
№_SV57107066**

1. Joybardıń turi: Shártnama

2. Joybardıń atı: Elektr energiya jetkerip beriw haqqında

Kegeyli rayonı sanitariya epidemiologiyalıq tıňıshlıq hám jámiyet salamatlığı bólimi tárepinen islep shıǵılgan joybargá tiykar Kegeyli rayonı sanitariya epidemiologiyalıq tıňıshlıq hám jámiyet salamatlığı bólimi menen QQETK AJ Kegeyli rayonı filiali arasında 2022 jıl 17 yanvar kuni duzilgen 22/1002-1 sanlı shártnama joybarına tiykar 2022 jıl 1-sheregi ushın 900.000 sumlıq elektr energiyasın jetkerip beriw haqqında shártnama joybarı tayaranǵan.

3. Joybardi islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqında maglıwmat:

Kegeyli rayonı sanitariya epidemiologiyalıq tıňıshlıq hám jámiyet salamatlığı bólimi tárepinen 2022 jıl 17 yanvar kuni islep shıǵılgan hám dásturge kiritilgen.

Joqarıdaǵılardı esapqa alıp, huqıqıy ekspertizadan ótkeriw natıjelerine kóre

J U W M A Q:

Joybar ámeldegi nızam hujjetlerine muwapiq islep shıǵılgan hám onı qabil etiw maqsetke muwapiq.

Oray bas yuriskonsulti



S.Bazarbayev

17.01.2022 jıl.